

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ

ХАИТОВ АКМАЛ АЛИЯРОВИЧ

**ҚОРИН ЧУРРАЛАРИНИНГ КЕЧКИ ПАРАПРОТЕЗЛИ ЙИРИНГЛИ
АСОРАТЛАРИДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хаитов Акмал Алиярович

Қорин чурраларининг кечки парапротезли йирингли асоратларида ташхислаш ва даволаш тактикасининг ўзига хослиги..... 3

Хаитов Акмал Алиярович

Особенности диагностики и тактики лечения поздних парапротезных гнойных осложнений при грыжах живота..... 29

Khaitov Akmal Aliyarovich

Features of diagnostics and treatment tactics of late paraprosthetic purulent complications in abdominal hernias..... 55

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works..... 60

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ

ХАИТОВ АКМАЛ АЛИЯРОВИЧ

**ҚОРИН ЧУРРАЛАРИНИНГ КЕЧКИ ПАРАПРОТЕЗЛИ ЙИРИНГЛИ
АСОРАТЛАРИДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib4339 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Мустафакулов Ишназар Бойназарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Сафоев Бақодир Барноевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбаниязов Зафар Бабажанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Ча университетининг Бунданг тиббиёт маркази
(Жанубий Корея Республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил "3" Июнь куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (39 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил "21" Май куни тарқатилди.
(2025 йил "21" Май даги 27 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Т. Уроқов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги 20 йил ичида бирламчи ва операциядан кейинги чурраларни даволаш натижаларининг яхшиланишига турли хил материаллардан тайёрланган синтетик протезларни амалиётга жорий қилиш ҳисобига эришилган. Аниқланишича, «...протезли герниопластика амалиёти чурра билан беморларни хирургик даволаш кўрсатмаларини кенгайтиришга, оғир ҳамроҳ касалликлари туфайли, шу жумладан қари ва кекса ёшдаги беморларда операциядан бош тортиш ҳолатларни камайтиришга имкон берган...»¹. Замонавий илм-фан ютуқларига қарамасдан, яллиғланиш жараёнлари чегараланган шакллардан тарқалган ва оғирроқ шаклларга ўтмоқда. Бу ҳолат катта ёшдаги ва қария ёшдаги беморларга ҳам тааллуқлидир. Бундай ёндашув чурра билан касалланган беморларда гиподинамия ва доимий асоратлар хавфининг олдини олиш орқали операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифатини ва давомийлигини оширишга ёрдам берган.

Жаҳон миқёсида узоқ йиллар давомида протезли герниопластика чурра билан беморларнинг клиник, тиббий - ижтимоий, экспериментал ва лаборатор жихатларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу «...патологик ҳолатларнинг даволаш – диагностик, профилактик жихатлари муваффақиятли ҳал қилинмоқда, турли ёш тоифаларида ушбу касалликларнинг асоратларини даволаш усуллари ишлаб чиқилган...»². Ушбу патологиянинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси бўйича бир қатор концептуал ёндашувлар тасвирланган. Шу билан бирга, адабиётларда бу муаммога бағишланган илмий ишлар кам. Аутопластик усулларда пластик операциядан кейинги вентрал чурраларнинг қайта ривожланиш суръати 20% дан 46% гача ташкил этиб, протезли усулларда эса бу кўрсаткич 8% дан 15,3% гача қисқаради. Бироқ, статистика маълумотларига кўра, бундай ҳолатлар сони мунтазам ортиб бормоқда.

Маълум бўлган омиллар қаторида протезли пластикадан сўнг чурра ривожланишининг қўшимча сабаблари ҳам мавжуд, бу сабаблар ҳозирги кунгача етарлича ўрганилмаган. Ҳозирги пайтда чурраларнинг қайта ривожланиш патогенези протез атрофидаги тўқималарда доимий ривожланаётган маҳаллий яллиғланиш жараёни нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, бу эса қайта операцияларда жароҳат асоратлари хавфининг ошишидан далолат беради. Шу билан бирга, асоратларнинг ва чурра рецидивларининг олдини олиш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг чурралар, хусусан унинг асоратлари билан ассоциацияланган касалланиш даражасини аниқлаш, ташҳис қўйиш, даволаш ва ушбу патологиянинг профилактикаси йўллари ишлаб чиқиш бўйича катта

¹ Каримов Ж.К., Юлдашев Ф.М. Оценка эффективности использования полипропиленовых сеток в герниопластике // Хирургический вестник Узбекистана. – Тошкент, 2023. – №3. – С.24-32.

² Нагимова Н.Г. Опыт применения современных методов пластики при лечении послеоперационных вентральных грыж. – Журнал “Современные проблемы науки и образования”, 2020. - №3-4. – с.125-131.

ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишининг 56-мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»³ бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунга асосланиб, корин чурраларини даволаш хусусиятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ва 2022 йил 25 апрельдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Операциядан кейинги вентрал чурра билан беморларда аутопластик усуллар кўлланилганда, рецидивлар 46% га, протезлаш усулларидадан кейин эса 15,3% га етади (Гогия Б.Ш. ва ҳаммуал., 2018; Петрова Е.Ю. ва ҳаммуал., 2023; Сажин А.В. ва ҳаммуал., 2023). Агар бирламчи чурра билан беморларни даволаш тактикаси аллақачон батафсил ишлаб чиқилган бўлса, унда уларнинг ривожланиш сабаблари ҳақида етарли маълумот йўқлиги сабабли такрорий чурраларни даволаш, айниқса, герниопластиканинг протезлаш усулларидадан сўнг, кейинги тадқиқотларни талаб қилади, бу эса уларни хирургик даволаш усулини танлашни асослашга қаратилган бўлиши лозим (Поляков А.В. ва ҳаммуал. 2021; Павлов А.К. ва ҳаммуал., 2023; Кулиев С.А. ва ҳаммуал., 2019; Богдан В.Г. ва ҳаммуал., 2013; Ахмедов И.Н. ва ҳаммуал., 2023). Пластика қилишнинг аутопластик ва протезли усулларидадан сўнг такрорий вентрал чурра билан беморларда операция вариантини аниқлаш бўйича илмий асосланган тавсияларнинг йўқлиги тадқиқот мавзусини, объектини, мақсади ва вазифаларини аниқлаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш

³ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони

бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: операциядан кейинги рецидив вентрал чурра билан касалланган беморларни хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин олд деворининг турли усулларда пластик жарроҳлик амалиётидан сўнг қайталанувчи қорин чурраларининг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш;

қорин олд девори вентрал чурралари операциясидан кейинги жароҳат йирингли асоратларининг чурранинг рецидивланишида ўрни ва сабабларини аниқлаш;

рецидив чурраларнинг олдини олишда чурра аллопластикасининг таранглашмаган протезни П-симон чокларни қўллаш билан янгича усулларида фойдаланиш натижаларини таҳлил қилиш;

олинган тадқиқот натижалари асосида қорин олд девори рецидив чурраларини хирургик даволашнинг такомиллашган самарали усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2022 йиллар давомида РШТЎИМ Сурхондарё филиали ва Сурхондарё вилояти КТТМ жарроҳлик бўлимларида операциядан кейинги вентрал чурра билан даволанган 172 нафар беморлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети операциядан кейинги вентрал чурра билан беморларни комплекс текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилиш бўлиб, операция усулини танлаш учун тавсия этилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда чурра аллопластика усулини танлашга дифференциал ёндашувдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг усуллари: умумий клиник, биокимёвий, инструментал, гистологик ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротоба анъанавий аутопластика ҳамда протезли аллопластикадан сўнги йирингли асоратлар вентрал чурраларнинг қайталанишига сабаб бўлиши исботланган;

илк маротоба операциядан сўнги вентрал чурраси қайталанган беморларни даволашда такомиллаштирилган профилактика усулидан фойдаланишнинг юқори клиник самарадорлиги исботланган;

илк маротоба операциядан кейинги вентрал чурраси қайталанган беморларда чурранинг ўлчамларига қараб дифференциалашган пластика қилиш усулларини қўлланилиши, асоратларни кескин камайишига сабаб бўлиши аниқланган;

беморларда далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан, қайталанган вентрал чурраларини хирургик даволашда протезли аллопластика амалиёти вақтида П-симон чоклардан ҳамда йирингли асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида 2% ли декасан эритмасидан фойдаланиш чуррани

қайталанишини 15,0% дан 3,8% гача камайтириш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аутопластик ва протезли аралашувлардан сўнг такрорий вентрал чурра шаклланишининг сабаблари аниқланган;

операциянинг ауто- ва аллопластик усулларида сўнг беморларда тўқималарда макро- ва микроскопик морфологик ўзгаришлар аниқланган, бу бизга пластика усулларидаги такомиллаштирилган таранглашмаган протезлаш усулларидаги такрорий аралашувлар учун танлов операцияси сифатида тавсия қилиш имконини берган;

таранглашган ва таранглашмаган протезли пластика усулларида сўнг касалликнинг қайталаниш хавфини камайтириш учун такрорий вентрал чуррада қилинадиган операция вариантлари такомиллаштирилган;

операциядан кейинги вентрал чурра билан беморларни хирургик даволашнинг самарали клиник натижалари касалликнинг қайталаниш суръатини сезиларли даражада камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, кенг қўлланиладиган клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларидаги фойдаланиш билан тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга исботланган тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар операциядан кейинги вентрал чурра билан беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Рецидив вентрал чурра билан беморларда касалликнинг клиник кўриниши олдинги герниопластика техникасига боғлиқлиги аниқланган. Маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш ва таранглашган протезлаш герниопластика усулидан сўнг, кўпинча касалликнинг тўлиқ қайталаниши, таранглашмаган протезлаш усулларида сўнг эса чурранинг қисман қайталаниши кузатилган. Қайталанган чурра билан беморларда қорин девори тўқималаридаги макро- ва микроскопик ўзгаришларнинг олдинги жарроҳлик усулига боғлиқлиги аниқланган. Операциядан кейинги W3-W4 вентрал чурралар учун чурра аллопластикасининг таранглашмаган "onlay" усулини апоневрозга П - шаклидаги чокларни олдиндан қўллаш ва имплантнинг "onlay + sublay" дубликатини яратиш билан эндопротезни бириктиришнинг комбинациялашган усулини бажаришнинг техник жиҳатлари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, беморларда маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш ва таранглашган протезли герниопластика усулларида сўнг, рецидив вентрал чурраларни даволашда такомиллаштирилган таранглашмаган протезлаш усулларидаги фойдаланишга кўрсатма берилган. Катта ва гигант (W3-W4) ўлчамдаги чурралар учун чурра аллопластикасининг таранглашмаган протезлаш усулларидаги фойдаланиш "компаратмент-синдром"нинг олдини олади, имплантнинг апоневрозга П-

шаклидаги чоклар билан бириктириш унинг силжишини олдини олади ва шу билан чурранинг қайталанишига йўл қўймайди. Операциядан кейинги вентрал чурраси билан беморларни чурра аллопластикасининг такомиллаштирилган усуллари қўллаш асосида даволаш операциядан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайталаниш суръатини сезиларли даражада камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 08/70-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк маротоба анъанавий аутопластика ҳамда протезли аллопластикадан сўнги йирингли асоратлар вентрал чурраларнинг қайталанишига сабаб бўлиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар операциядан кейинги вентрал чурра беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий натижалар РШТЁИМ Сурхондарё филиали (18.07.2024 йил, № 06 буйруғи) ва Сурхондарё вилояти КТТМ хирургик бўлимларига (11.07.2024 йил, № 37-4 буйруғи) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* аутопластик ва протез аралашувидан сўнг такрорий вентрал чурра шаклланишининг сабаблари аниқланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* бактериологик текширув, яъни микробларнинг антибиотикка сезувчанлигини аниқлаш, антибактериал дори воситаларни аниқ билиб қўллаш нозокомиал инфекциялар ва инфекция асоратларни камайишига олиб келган. Бу эса цефтриаксон ва цефеперазон+сульбактам каби қимматбаҳо антибиотикларни қисқартиришга, сарф-харажатларни ҳар бир бемор учун ўртача 170000 дан 190000 сўмгача тежаш имконини берган. *Хулоса:* анъанавий аутопластика ҳамда протезли аллопластикадан сўнги йирингли асоратлар вентрал чурраларнинг қайталанишига сабаб бўлиши исботланганлиги, асоратларни олдини олиш чора тадбирларини қўллаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: илк маротоба операциядан сўнги вентрал чурраси қайталанган беморларни даволашда такомиллаштирилган профилактика усулидан фойдаланишнинг юқори клиник самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* илк маротоба операциядан сўнги вентрал чурраси қайталанган беморларни даволашда такомиллаштирилган профилактика усулидан фойдаланишнинг юқори клиник самарадорлиги исботланганлиги, ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий натижалар РШТЁИМ Сурхондарё филиали (18.07.2024 йил, № 06 буйруғи) ва Сурхондарё вилояти КТТМ хирургик бўлимларига (11.07.2024 йил, № 37-4 буйруғи) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* операциядан сўнги вентрал чурраси қайталанган беморларни даволашда такомиллаштирилган профилактика усулидан фойдаланиш орқали, ривожланиши мумкин бўлган

асоратларни олди олинган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* илк маротоба операциядан сўнги вентрал чурраси қайталанган беморларни даволашда такомиллаштирилган профилактика усулидан фойдаланишнинг юқори клиник самарадорлиги исботланганлиги натижасида ҳар 1 нафар беморга сарфланадиган бюджет маблағларини 600000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* операциядан сўнги вентрал чурраси қайталанган беморларни даволашда такомиллаштирилган профилактика усулидан фойдаланиш ҳисобига ҳар 1 нафар беморга сарфланадиган бюджет маблағларини 600000 сўмга иқтисод қилишга эришилган;

учинчи илмий янгилик: илк маротоба операциядан кейинги вентрал чурраси қайталанган беморларда чурранинг ўлчамларига қараб дифференциалашган пластика қилиш усуллари қўлланилиши, асоратларни кескин камайишига сабаб бўлиши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* операциядан кейинги вентрал чурраси қайталанган беморларда чурранинг ўлчамларига қараб дифференциалашган пластика қилиш усуллари қўлланилиши орқали, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш имкони яралган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий натижалар РШТЎИМ Сурхондарё филиали (18.07.2024 йил, № 06 буйруғи) ва Сурхондарё вилояти КТТМ хирургик бўлимларига (11.07.2024 йил, № 37-4 буйруғи) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* операциядан кейинги вентрал чурраси қайталанган беморларда чурранинг ўлчамларига қараб дифференциалашган пластика қилиш усуллари орқали клиник самарадорликга эришилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* операциядан кейинги вентрал чурраси қайталанган беморларда чурранинг ўлчамларига қараб дифференциалашган пластика қилиш усуллари қўлланилиши ҳисобига ҳар 1 нафар беморга сарфланадиган бюджет маблағларини 1800000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* операциядан кейинги вентрал чурраси қайталанган беморларда чурранинг ўлчамларига қараб дифференциалашган пластика қилиш усулларидан фойдаланиш, даволаниш самарадорлигини кескин оширилиши имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: беморларда далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан, қайталанган вентрал чурраларини хирургик даволашда протезли аллопластика амалиёти вақтида П-симон чоклардан ҳамда йирингли асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида 2% ли декасан эритмасидан фойдаланиш чуррани қайталанишини 15,0% дан 3,8% гача камайтириш имконини бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий натижалар РШТЎИМ Сурхондарё филиали (18.07.2024 йил, № 06 буйруғи) ва Сурхондарё вилояти КТТМ хирургик бўлимларига (11.07.2024 йил, № 37-4 буйруғи) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* қайталанган вентрал чурраларини хирургик даволашда протезли аллопластика амалиёти вақтида П-симон чоклардан ҳамда йирингли асоратлар

ривожланишини олдини олиш мақсадида 2% ли декасан эритмасидан фойдаланиш чуррани қайталанишини 15,0% дан 3,8% гача камайтириш имконини бериб, ётоқ кунларни қисқаришига олиб келган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* протезли аллопластика амалиёти вақтида П-симон чоклардан ҳамда йирингли асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида 2% ли декасан эритмасидан фойдаланиш, ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиши орқали ҳар 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1800000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* қайталанган вентрал чурраларини хирургик даволашда протезли аллопластика амалиёти вақтида П-симон чоклардан ҳамда йирингли асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида 2% ли декасан эритмасидан фойдаланиш чуррани қайталанишини 15,0% дан 3,8% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шундан 8 та журнал мақоласи, шулардан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижалари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн материалининг ҳажми 119 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика илмий-технологик тараққиётнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалиётга қўшган ҳиссаси, тадқиқот натижалари ва уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маҳаллий тўқималар ва протезлардан фойдаланган ҳолда пластикадан кейин вентрал чурраларнинг қайта ривожланиш сабаблари, патогенези ва даволаш усуллари**» адабиётлар шарҳи сифатида тақдим этилган. Унда протезли пластикани қўллаш усуллари таранглашган ва таранглашмаган турларга бўлиниши қайд этилган. Ачинарлиси шундаки, маҳаллий тўқималардан ёки протезлардан фойдаланган пластикадан сўнг йирингли асоратлар ҳам касалликни қайта ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, қайта жарроҳлик амалиётлари зарур бўлган беморларда техник шароитлар бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади ва кўп омилларга боғлиқдир. Чурра пластикаси усуллари орасида ҳам бирламчи, ҳам қайта ривожланган ҳолларда энг ишончли деб ҳисоблангани комбинацияланган усуллар бўлиб, улар ўз тўқималарининг функциясини

тиклашга қаратилган. Шунингдек, маҳаллий тўқималар ва протезлардан фойдаланган ҳолда қайта ривожланган чурраларда даволаш тактикаси ва усуллари етарлича ишлаб чиқилмагани исботланган. Мазкур диссертация ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тадқиқот материаллари ва усуллари» тадқиқот асосини ташкил этган. Диссертацион тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси Термез филиали умумий хирургия, болалар хирургияси, урология ва болалар урологияси кафедрасининг илмий изланишларига асосланиб, РШТЁИМ Сурхондарё филиали ва Сурхондарё вилоят КТТМ хирургик бўлимларида даволанган 172 нафар операциядан кейинги вентрал чурра билан беморларнинг таҳлилига асосланган.

Барча 172 нафар беморнинг ёши 28 дан 75 гача бўлиб (ўртача ёш $57,2 \pm 9,02$ йил), улар операциядан кейин ривожланган вентрал чурра билан қайд этилган. Улар 2 гуруҳга ажратилган. I гуруҳ 146 нафар беморни ўз ичига олган, уларда чурра таранглашган герниопластикадан сўнг ривожланган (1-жадвал).

1 жадвал


Беморларни даволаш усулига боғлиқ ҳолда тақсимланиши

Гуруҳлар	Даволаш усули	Сони	%
I (n=146)	Ia	94	54,7
	Ib	52	30,2
II (n=26)	II-симон чоклар билан таранглашмаган протезли пластика+йирингли асорат профилактикаси	26	15,1
Жами		172	100

• Ia кичик гуруҳи: Мейо, Сапежко ва қиррадан қиррага пластика усуллари бажарилган таранглашган герниопластикадан сўнг 94 нафар беморлар ташкил этган.

• Ib кичик гуруҳи: 52 нафар бемор таранглашган протезли герниопластикадан кейин, синтетик протез “on lay,” “sub lay” ва “in lay” позицияларида жойлаштирилган ҳолда қайта ривожланган.

II гуруҳ: 26 нафар беморни ўз ичига олган бўлиб, уларда касаллик синтетик протезлардан фойдаланган ҳолда бажарилган таранглашмаган комбинацияланган усуллардан сўнг қайта ривожланган (1-расм).



1-расм. Клиник тадқиқот гуруҳлари ҳақида қисқача маълумот

Аксарият ҳолатларда гинекологик операциялардан сўнг – 23,2%, кўпинча бошқа касалликлар, жумладан, қорин аъзолари травмаси ва қорин бўшлиғи

бошқа касалликлари – 22,1%, гепатобилиар тизимидаги жарроҳлик аралашувлари – 16,2%, ва киндик чурраси бўйича амалга оширилган жарроҳликлардан сўнг – 15,1% чурралар ривожланган.


172 нафар қайта ривожланган операциядан кейинги вентрал чурра билан беморларда чурра ташувчилик давомийлиги бир неча ойдан 20 йилгачани ташкил этган. Чурра ташувчилик давомийлиги 6 ойгача бўлган беморлар 36 нафар, 6 ойдан 1 йилгача бўлганлар 50 нафар, 1 йилдан 3 йилгача – 40 нафар, 3 йилдан 10 йилгача – 8 нафар, ва 10 йилдан ортиқ – 2 нафарни ташкил этган.

Беморлар J.P. Chevrel ва A.M. Rath (SWR – классификация 2000) бўйича рецидив чурраларнинг ўлчами, локализацияси ва учраш суръатига қараб тақсимланган.

Бунда ўрта қисм локализациясидаги чурра билан боғлиқ беморлар катта ўрин эгаллаб, уларнинг сони 150 нафарни (87,2%) ташкил этган, кейин олд-ёнбош чурралар – 14 нафар (8,1%) ва ёнбош чурралар – 8 нафар (4,7%) ҳолатларда қайд этилган.

Рецидив чурраларининг ўлчамига кўра тақсимланиши: кичик (W1) чурралар 32 нафар беморда (18,6%), ўрта (W2) – 60 нафар (34,9%), катта (W3) – 54 нафар (31,4%), ва гигант (W4) – 26 нафар (15,1%) беморда кузатилган.

Тадқиқотда инструментал текширув усуллари, жумладан, жарроҳлик аралашувидан олдин ва сўнг УТТ, КТ алоҳида эътибор берилган (2, 3-расм).



2-расм. Операциядан кейинги вентрал рецидив чурраси (M2W3R1) билан 56 ёшли бемор П.нинг қорин олд деворининг кўриниши ва компьютер томографияси.

3-расм. Операциядан кейинги вентрал рецидив чурраси (L1W3R2) билан 54 ёшли бемор Г.нинг қорин олд деворининг кўриниши ва компьютер томографияси.

Операциядан кейинги вентрал чурра (ОКВЧ) билан беморларда КТ текшируви орқали чурранинг чиқиш жойи, унинг ўлчамлари, чурра ичидаги элементларнинг идентификацияси, тери ва ёғ қатламининг қалинлиги, ҳамда қорин деворининг мушак-апоневроз каркаси ҳолатини аниқ тасвирлаш имконини берган.

Рецидив чурралар билан беморларда морфологик тадқиқот учун операция давомида олдин имплантация қилинган протезнинг бўлаклари, чурра дарвозаси ҳудудидан тўқималар (рецидив жойидан бевосита ва чурранинг аввалги ўлчамига қараб 5-15 см масофада) ва суюқлик ҳосилалари ҳамда оқмаларнинг деворларидан (улар бўлган тақдирда) олинган.


Протезли усуллардан сўнг чурра рецидивлари кузатилган беморларда пластика ҳудудини ўраб турган тўқималар ҳамда протез-тўқима чегарасидан

олинган намуналар ўрганилган. Гистологик намуналар СамДТУ гистология, эмбриология ва цитология кафедрасида Olympus BX 41 микроскоп базасидаги визуализация тизими ёрдамида тадқиқ қилинган. Тузилмаларнинг морфометрик ўлчовлари тасвирлар олинганидан сўнг «Морфология 5.2» дастури орқали амалга оширилган.

Микробиологик таҳлил жароҳат инфекциясини сифат ва миқдорий баҳолаш, шунингдек, турли антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш билан жароҳатдан ажралма йиғиш орқали амалга оширилган.

Эксудатни умумий қабул қилинган схема бўйича аэроблар мавжудлиги учун текширилди. Бундан ташқари, жароҳлик аралашуви пайтида экспресс бактериоскопия учун жароҳатдан суртма олинди, Грам бўйича бўялди. Транспорт шишаси текшириш учун бактериологик лабораторияга юборилган. Ультрабинафша нурланишдан фойдаланиб, аэробларнинг люминесцент хоссалари аниқланган, сўнгра эхма амалга оширилган.

Аэроб микроорганизмларнинг сезувчанлиги одатдаги дисклардан зич озуқа муҳитида тарқалиш йўли билан аниқланган (4-расм).



4-расм. Микробларни антибиотикка сезувчанлигини текширишнинг Диско-диффузион усули.

Рецидив ОКВЧ учун пластика усуллари қуйидагича бўлган:

«Onlay» усулида эндопротез имплантацияси чурра дефектини тикилиши билан - таранглашган пластика 40 (23,2%) беморда бажарилган, бунда чурра дефектини мустақамлаш аутопластика устидан трансплантатни тикиш орқали амалга оширилган.


Чурра дефектининг четлари тугунли чоклар ёрдамида зич тарзда яқинлаштирилди ёки дубликатура шакллантирилди. Сўнгра мушак-апоневротик қатламнинг олд қисми 8-10 смгача тери ёғ қатлаmidан икки томондан ҳам ажратилиб, трансплантат апоневроз устидан тугунли чоклар билан тикилган.

Дефект тикилмасдан «Onlay» усулида эндопротез имплантацияси -: таранглашмаган пластикада тактика қуйидагича бўлган. Чурра қопи ва

дарвозаси ажратилгач апоневрозни ажратдик, кейин полипропилен имплантат чурра дарвозасининг ҳар томонидан 4-5 см каттароқ ўлчамда тайёрланди. Чурра қопи қорин бўшлиғига юборилиб, чурра дарвозаси периметрияси бўйлаб имплантат жойлаштирилди, апоневрозга полипропилен ишлар ёрдамида тугунли чоклар ёрдамида тикилган (№ 0 ёки 1 диаметри).

Биз такомиллаштирган «Onlay» герниопластикада дефектни тикмасдан эндопротезни П-шаклидаги чоклар ёрдамида имплантация қилиш 98 (56,9%) беморда бажарилган. АКС ривожланишини профилактикаси борасида қорин бўшлиғи ҳажмини катталаштириш мақсадида чурра қопининг қийқими билан қорин бўшлиғи чегараланиб, апоневроз тикилмасдан эндопротез қўйилган. Эндопротезни П-симон чоклар ёрдамида фиксация қилиш амалга оширилган. Ушбу чоклар чурра қопининг қийқими билан қорин бўшлиғи ёпилгунига қадар қорин пардагача барча мушак-апоневроз қаватлари орқали ўтказилган эди (5-расм).

Эндопротезни П-симон чоклар билан қорин деворининг барча қатламлари орқали фиксация қилишнинг асосий боиси илгари операция қилинган беморларда ривожланган салбий натижалар бўлиб, унда таранглашмаган пластикани амалга ошириш жараёнида протез имплантацияси “onlay” усули ёрдамида фақат апоневрозга мустаҳкамланганлигидир. Шу тарзда жойлашган ва апоневрознинг четига ўрнатилган эндопротез операциядан сўнг дарҳол асосий функционал оғирликни ўзига олади, бу айниқса ортиқча вазнли семиз беморларда яққол тасвирланиб ОКВЧ га сабаб бўлган.



5-расм. Қорин олд деворининг пластика усуллари: а) Эндопротезни П -симон чоклар билан имплантация қилиш билан қорин олд девори дефектини тикмасдан “onlay” усулида герниоаллопластика. б) дубликатура ҳосил қилиш учун П-симон чоклар ёрдамида дефектни тикмасдан комбинациялашган усулда "onlay+sublay" герниаллопластика.

«Onlay + sublay» усулида таранглашмаган чурра пластикаси: Чурра дефектининг ўлчами 10 смдан катта бўлган 34 (19,7%) беморда бажарилди. Биринчи имплантат мушак-апоневротик қатламнинг ортига жойлаштирилди,

иккинчи имплантат апоневроз устига қўйилди. Эндопротезлар орасига тугунлар қўйилиб, сунъий «оқ чизик» ҳосил қилинди. Бу усул қорин девори олд ҳамда оқ чизикнинг анатомик ва физиологик реконструкциясига имкон беради (5б-расм).

Диссертациянинг **“Маҳаллий тўқималар билан таранглашган пластика ва уларни синтетик протез билан мустаҳкамлашдан кейин чурранинг қайталаниш сабаблари”** деб номланган учинчи боби. Маҳаллий тўқималар ёрдамида таранглашган пластика амалга оширилган беморлар (Iа гуруҳ) ўртасида чурра қайта пайдо бўлиши 94 нафарда (54,7%) кузатилган, синтетик протезлар қўлланилган ҳолларда (Iб гуруҳ) эса бу кўрсаткич 52 нафарни (30,2%) ташкил этган.

Iа гуруҳдаги беморларнинг 14 нафари (14,9%) эркаклар, 80 нафари (85,1%) аёллар бўлган. Беморларнинг ёши 18 ёшдан 79 ёшгача бўлиб, 80 нафарда (85,1%) чурра ўрта чизик бўйича жойлашган, 10 нафарда (10,6%) олд-ёнбош, 4 нафарда (4,3%) эса ёнбош чурра қайд этилган. Чурра ўлчамларига кўра W1 тоифадаги чурралар 12 (12,8%) беморда, W2 – 32 (34,0%) беморда, W3 – 32 (34,0%) беморда ва W4 – 18 (19,1%) беморда кузатилган. Шифохонага ётиш вақтида бирламчи қайталанган чурра (R1) 68 (72,3%) беморда, иккиламчи қайталаниш (R2) – 20 (21,3%) беморда, учинчи марта (R3) – 4 (4,3%) беморда, ва саккизинчи марта (R8) қайталаниш – 2 (2,1%) беморда аниқланган.

Iб гуруҳда эса 12 нафар (23,1%) эркаклар ва 40 нафарини (76,9%) аёллар ташкил этган, беморларнинг ёшлари 18 ёшдан 79 ёшгача бўлган. 48 (92,4%) беморларда чурра ўрта чизик бўйича жойлашувда, 2 (3,8%) беморда олд-ёнбош ва 2 (3,8%) беморда ёнбош томонда жойлашган. W1 тоифадаги чурралар 4 (7,7%) беморда, W2 – 18 (34,6%) беморда, W3 – 22 (42,3%) беморда ва W4 – 8 (15,4%) беморда кузатилган. Шифохонага ётиш вақтида қайталаниш ҳолатлари бўйича R1 – 26 (50,0%), R2 – 14 (26,9%), R3 – 8 (15,4%), R4 – 2 (3,85%) ва R7 – 2 (3,85%) беморда қайд этилган.

Маҳаллий тўқималар орқали (Iа гуруҳ) ва синтетик протез билан мустаҳкамланган ҳолларда (Iб гуруҳ) бажарилган пластик амалиётларда чурра қайталанишининг сабабларини аниқлаш учун даволанган беморларда операциялар тўғрисида ретроспектив таҳлил ўтказилган.


Маҳаллий тўқималар билан пластикадан сўнг чурра қайталанган беморларда (Iа гуруҳ) касалликнинг тўлиқ рецидивни кузатилган. Операция пайтида илгари тикилган тўқималар чети бўйлаб чок ва тугунларнинг бутунлиги сақланган ҳолда чокларнинг ажралганлиги, бу ҳолат тўқиманинг кесилиб кетганини, аммо бу ҳолат ипнинг узилмаганлигидан дарак беради. Маҳаллий тўқималар билан пластикадан сўнг қайталаниш ҳажми чурра ўлчами билан боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич операциядан кейинги даврда қорин бўшлиғи босими ошиши билан боғлиқдир. Қорин бўшлиғи босими ошишига имкон туғдирадиган бу катта чурраларда қўлланилган пластика усулининг номуносивблигини тасдиқлайди.

Микроскопик текширувларда Iа гуруҳдаги беморларда чурра рецидивлари зонасида операцияни амалга ошириш жараёнида техник жиҳатдан қийинчиликларга сабаб бўлувчи негизан ҳали тўлиқ шаклланмаган тўқима

билан қопланган бўлиб, бу жойда анатомик мураккабликлар юзага келган. 2-6 ой оралиғида қайд этилган рецидивларда чандиқ тўқимаси шаклланган, лекин фиброзга хос бўлган трансформация белгиларсиз бўлган. Коллаген толалари асосан тарам тарам кўринишида тўпланган, аммо улардаги толаларнинг қалинлиги ва зичлиги нотекис бўлган.

Тўқималарда яллиғланиш белгилари ва лимфоцитар инфильтрация борлиги қайд этилган (6 а-расм).

16 гуруҳда синтетик протез қўлланилган ҳолатларда ўхшаш микроскопик ўзгаришлар аниқланган. 6 ойгача бўлган рецидивларда синтетик протезнинг атрофида яраланган капсула тўлиқ шаклланмаган, протез яқинида тўқима ва тола орасида "бўшлиқлар" юзага келган. Бу "бўшлиқлар" чандиқни қайта ривожланишига ва синтетик материални тўғри қўшилмаслигига олиб келган (6 б-расм).



6-расм. 1а (а), 1б (б) гуруҳидаги беморларда рецидив зонаси тўқималарида микроскопик ўзгаришлар. Гематоксилин ва эозин билан бўялган: а - шиш ва яллиғланиш белгилари билан пластик жарроҳлик жойида чандиқнинг липоматози (100 катт.); б - синтетик полипропилен протез толалари атрофида яққол ривожланган яллиғланиш ҳолатлари (400 катт.)

Шундай қилиб, тўқималарнинг тортилиши натижасида пластикадан сўнгги рецидивларда асосий сабаблар сифатида яллиғланиш жараёнлари ва сунъий материалнинг нотўғри интеграцияси кўрсатилган. 1а гуруҳидаги беморлар орасида 36 беморда таранглашган усулда протезли пластика бажарилган, улардан 5 тасида (13,9%) касалликнинг қайталаниши кузатилган. 58 нафар беморга такомиллаштирилган усуллар ёрдамида таранглашмаган протезли пластик жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Шу билан бирга, 50 нафар беморга II-симон шаклидаги чоклар билан эндопротез имплантацияси билан дефектни тикмасдан “onlay” герниалопластика, беморларнинг 8 нафарида дубликат ҳосил қилиб дефектни тикмасдан “onlay+sublay” герниалопластика амалга оширилган. 1а гуруҳидаги беморларда операцияларнинг хусусиятлари 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.


Рецидив ОКВЧ йирингли асоратлари, биринчи ва иккинчи таққослаш гуруҳидаги беморларнинг инфекцияланган жароҳат экссудатидан ажратилган микрофлоранинг аниқланган тур таркиби 7-расмда келтирилган.



7-расм. I ва II гуруҳ беморларда микрофлоранинг ассоциацияда учраш даражаси.

Энг кўп патоген стафилококклар 50 нафар беморда аниқланган, улардан 24 (26,9%) монокултура сифатида ва 26 (29,2%) ассоциацияларда мавжуд. 47 та кузатувда Ичак таёқчаси ажратилган, улар 20 (22,5%) ҳолатда монокултура сифатида ва 27 (30,3%) ҳолатда микробли ассоциациялар таркибида мавжуд. Кейинги тез-тез аниқланган Протей - 30 та кузатув, 15(16,9%) ҳолатда монокултура сифатида ва 15 (16,9%) ҳолатда микробли бирлашмаларнинг бир қисми сифатида экилган. Кейинги ўринларда 26 та кузатувда аниқланган энтерококклар, 14 таси (15,8%) монокултура ва 12 таси (13,5%) ассоциациялар кўринишида, 14 та кузатувда стрептококклар, 9 таси (10,1%) — монокултуралар ва 5 таси (5,6%) ассоциацияда аниқланган. Кўк йиринг таёқчаси 7 (7,8%) беморда монокултура сифатида ва 4 (4,5%) микробли ассоциациялар таркибида эҳма қилинган.

Қайд этилганидек, I гуруҳидаги йирингли жароҳат билан 89 беморнинг 52 нафарида (58,4%) лигатур оқма, 23 нафарида микроабсцесс (25,8%), 14 нафарида (15,7%) тери ости флегмонаси кузатилган (8-расм).



8-расм. I гуруҳ беморларининг патология бўйича тақсимланиши.

Ушбу беморларни даволашда 52 нафар (58,4%) беморга лигатурани олиб ташлаш жароҳат бўшлиғини 3%ли водород пероксид эритмаси билан ишлов

бериш операцияси бажарилган. 23 нафар (25,8%) беморга микроабсцессни очиш, протезни қисман резекция қилиш ва жароҳат бўшлиғини 3%ли водород пероксид эритмаси ва левомикол билан ишлов берилди. Юқоридаги 75 нафар (84,3%) беморга бир босқичли операция бажарилган.

I гуруҳ рецидив вентрал чурраларда йирингли асоратланишларини даволашда интоксикация кўрсаткичларининг динамикаси 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвал

Йирингли жароҳатли I гуруҳ беморларда интоксикация кўрсаткичлари динамикаси (n=89)

Кўрсаткичлар	Кузатув даври			
	Келган куни	3 кун	5 кун	7 кун
Тана ҳарорати t ⁰ C	38,9±0,06	37,8±0,06	37,1±0,06***	36,5±0,06***
Қондаги лейкоцит ×10 ⁹ /л	9,6±0,51	8,6±0,45	7,4±0,33**	6,2±0,39
МСМ бирлиги	0,219±0,013	0,179±0,008	0,147±0,007***	0,080±0,006**
ЛИИ бирлиги	2,7±0,13	2,3±0,15	1,8±0,06***	0,7±0,04***
ЭЧТ мм/с	48,6±1,85	40,7±1,69	29,6±1,48***	11,8±0,79***
Жароҳатнинг рН муҳити	4,2±0,26	4,6±0,29	5,8±0,34	7,2±0,25***

Эслатма: * - олдинги кун маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли (** - P<0,01, *** - P<0,001)

I (назорат) гуруҳ беморларини анъанавий усулда даволанганда жароҳатнинг инфекциядан тозаланиш муддати ўртача 5 кунни ташкил қилган, инфилтратнинг сўрилиш муддати ўртача 4 кунни ташкил қилган, грануляциянинг пайдо бўлиш вақти эса ўртача 7 кунни ташкил қилган. Беморларнинг тўлиқ ётиб даволаниш койка куни ўртача 7-9 кунни ташкил этган (9-расм).



9-расм. I гуруҳидаги рецидив вентрал чурраларнинг йирингли асоратлари бўлган беморларда жароҳатни тозалаш ва даволаш вақти (n=89)

Iа гуруҳидаги 36 нафар (100%) беморда қайта операция аллопластик пластика усулларини қўллаган ҳолда ўтказилган бўлиб, уларда 5 (13,9%) ҳолатда касаллик рецидиви қайд этилган. Iа гуруҳидаги беморларда ўтказилган операцияларнинг батафсил тавсифи 3 ва 4-жадвалларда берилган.

3-жадвал

Чурранинг жойлашиши ва қайта операция қилиш вариантыга боғлиқ ҳолда рецидив ОКВЧ (1а гуруҳи) бўлган беморларда натижалар

Рецидив чурра локализацияси (J.P.Chevreil ва A.M.Rath классификацияси бўйича)	Такрорий операциялар вариантлари							
	Таранглашган протезланувчи пластика n=36		Таранглашмаган протезланувчи пластика n=58					
	Аввалдан дефект тикиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда (%)	Дефект тикмасдан эндопротезни П-симон чоклар орқали имплантация қилиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда (%)	Дефект тикмасдан дубликатура яратиш «onlay+sublay» герниоаллопластика усули	Фоизда (%)	Жами	Фоизда (%)
M	7/1	19,4/ 2,8	2	4	-	-	2	3,4
M1	5	13,9	22/1	44	4	50	26/1	44,8/1,7
M2	6/1	16,7/ 2,8	14/1	28/2	2	25	16/1	27,6/1,7
M3	10/1	27,8/ 2,8	12	24	2	25	14	24,1
ML	4/1	11,1/ 2,8	-	-	-	-	-	-
L	4/1	11,1/ 2,8	-	-	-	-	-	-
Жами	36/5	100/ 13,9	50/2	100/4	8	100	58/2	100/3,4

* Эслатма: сонларнинг махражида чурраларнинг қайталаниши сони кўрсатилган

4-жадвал

Чурра ўлчамига ва қайта операция қилиш вариантыга боғлиқ ҳолда рецидив ОКВЧ (1а гуруҳи) билан беморларда натижалар

Рецидив чурра ўлчами (J.P.Chevreil ва A.M.Rath классификацияси бўйича)	Такрорий операциялар вариантлари							
	Таранглашган протезланувчи пластика n=36		Таранглашмаган протезланувчи пластика n=58					
	Аввалдан дефект тикиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Дефект тикмасдан эндопротезни П-симон чоклар орқали имплантация қилиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Дефект тикмасдан дубликатура яратиш «onlay+sublay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Жами	Фоизда %
W1	4/1	11,1/2,8	4	8	-	-	4	6,9
W2	13/1	36,1/2,8	22/1	44/4	-	-	22/1	37,9/1,7
W3	15/1	41,7/2,8	18/1	36/4	2	25	20/1	34,5/1,7
W4	4/2	11,1/5,6	6	12	6	75	12	20,7
Жами	36/5	100/13,9	50/2	100/4	8	100	58/2	100/3,4

* Эслатма: сонлар махражида чурраларнинг қайталаниши сони кўрсатилган

Протезли таранглашган герниопластикада 8 беморнинг 4 нафарида олдинги-ёнбошдаги ва 4 нафарида ёнбошдаги чурраларнинг ўрта, катта ва гигант ўлчамлари бўйича ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг фақат гигант ёнбош чурраси бўлган 2 беморда чурранинг рецидиви кузатилган.

5 ва 6-жадвалларда 16 гуруҳи беморларида рецидивли чурранинг локализацияси ва ўлчамига қараб даволаш натижалари келтирилган.

5-жадвал

Чурранинг жойлашишига ва қайта операция қилиш вариантыга боғлиқ ҳолда такрорий ОКВЧ (16 гуруҳи) бўлган беморларда натижалар

Рецидив чурра локализацияси (J.P.Chevrel ва A.M.Rath классификацияси бўйича)	Такрорий операциялар вариантлари							
	Таранглашган протезланувчи пластика n=4		Таранглашмаган протезланувчи пластика n=48					
	Аввалдан дефектни тикиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Дефектни тикмасдан эндопротезни П-симон чоклар орқали имплантация қилиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Дефектни тикмасдан дубликатур а яратиш «onlay+sublay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Жами	Фоизда %
М	4/1	100/25	14	46,7	4	22,2	18	34,6
М1	-	-	2	6,7	-	-	2	3,8
М2	-	-	4	13,3	6/1	33,3/5,6	10/1	19,2/1,9
М3	-	-	6/1	20/3,3	4	22,2	10/1	19,2/1,9
М4	-	-	4	13,3	-	-	4	7,6
ML	-	-	-	-	2	11,1	2	3,8
L	-	-	-	-	2	11,1	2	3,8
Жами	4/1	100/25	30/1	100/3,3	18/1	100/5,6	48/2	100/3,8

* Эслатма: сонлар махражида чурраларнинг қайталаниши сони кўрсатилган

6-жадвал

Қайталанувчи ОКВЧ (16 гуруҳи) бўлган беморларда чурра ҳажмига ва қайта операция қилиш вариантыга қараб натижалар

Рецидив чурра ўлчами (J.P.Chevrel ва A.M.Rath классификацияси бўйича)	Такрорий операциялар вариантлари							
	Таранглашган протезланувчи пластика n=4		Таранглашмаган протезланувчи пластика n=48					
	Аввалдан дефектни тикиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Дефектни тикмасдан эндопротезни П-симон чоклар орқали имплантация қилиш билан «onlay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Дефектни тикмасдан дубликатур а яратиш «onlay+sublay» герниоаллопластика усули	Фоизда %	Жами	Фоизда %
W1	2	50	2	6,7	-	-	2	3,8
W2	2/1	50/25	10/1	33,3/3,3	4	22,2	14/1	26,9/1,9
W3	-	-	14	46,7	8	44,4	22	42,3
W4	-	-	4	13,3	6/1	33,3/5,6	10/1	19,2/1,9
Жами	4/1	100/25	30/1	100/3,3	18/1	100/5,6	48/2	100/3,8

* Эслатма: сонлар махражида чурраларнинг қайталаниши сони кўрсатилган


16 гуруҳи беморларида такрорий протезли таранглашган пластика 4 беморга ўтказилган, шундан 1 нафариди (25%) касаллик рецидиви қайд этилган. 48 беморда эса рецидив чуррани протезли таранглашмаган пластика

орқали такомиллаштирилган усуллар билан даволаш олиб борилган. Бунинг натижасида фақат 2 беморда (3,8%) рецидив қайд этилган (5 ва 6-жадваллар).

Қуйидаги усуллардан фойдаланилган:

Герниоаллопротезлаш 30 нафар беморга нуқсонни ўзини тикмасдан «onlay» усулда П-симон чоклар билан эндопротез имплантацияси (рецидив – 1 нафар), 18 нафар беморга эса дубликат ҳосил қилиб нуқсонни ўзини тикмасдан «onlay+sublay» усулда герниаллопластика амалга оширилган (рецидив 1 нафар).

Рецидивли чурралари бўлган беморларда (Ia ва Ib гуруҳи) маҳаллий тўқималар ҳамда протездан фойдаланган ҳолда ўтказилган пластика амалиётлари натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу усулларни такрорий қўллаш юқори рецидив кўрсаткичлари билан кузатилиб, касалликнинг қайта такрорланиш эҳтимоли 15% гача етиши мумкин. Аксинча, такомиллаштирилган таранглашмаган пластика усуларини қўллаш рецидив ҳолатларини 3,7% гача қисқартиришга имкон берган (10-расм).



10-расм. Ia ва Ib гуруҳдаги рецидивланган чуррали беморларда «onlay» таранглашган герниоаллопластика ва эндопротезни «onlay» таранглашмаган П-симон чоклар билан имплантация қилинган беморларда даволаш натижалари.

Диссертациянинг тўртинчи бобида “Таранглашмаган протезли пластика усулидан кейин чурранинг қайталаниши сабаблари. Операция усуллари ва даволаш натижалари”. Таранглашмаган протезли пластиканинг комбинацияланган усулларидадан кейин чурра рецидиви базавий тиббиёт муассасасида биз томонимиздан операция қилинган 26 беморда аниқланган.

26 бемордан 22 нафарида ўрта чизик бўйича вентрал чурралар (6 та эпигастрал, 2 та мезогастрал, 10 та гипогастрал, 4 та номаълум локализация) қайд этилган. 2 беморда чурра олд-ён, яна 2 нафарида эса ёнбош жойлашувдаги рецидив ҳолатлари кузатилган.

Рецидивли чурралар W1 кичик ўлчамли бўлиб, улар 10 беморда, W2 ўрта ўлчамли – 7 беморда, W3 катта ўлчамли – 7 беморда ва W4 улкан ўлчамли чурралар – 2 беморда аниқланган. Шунинг қайд этиш жоизки, комбинацияланган протезли пластика усулларидадан кейинги чурра рецидивлари асосан аввалги турли операция усуллари натижасида бир неча бор рецидивларга учраган беморларда кузатилган. 26 бемордан 12 нафарида 2 марта, 8 нафарида 4 марта, 2 нафарида 8 марта ва 4 беморда 14 марта рецидивлар қайд этилган бўлиб, бу қорин девори тўқималаридаги жиддий бузилишлар касаллик рецидивига сабаб


бўлганлигидан далолат берган.

